УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. ____
Гос книжная палата УзССР
27 АВГ 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, САФАР, 2-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, АСАД, 27-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 15 август, пайшанба, 156-сон | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

ТОШКЕНТДА ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

14 АВГУСТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ БИЛАН НИҲОЯСИГА ЕТДИ

СУРАТДА: якуний ҳужжатларни имзолаш пайти. Л. ГУСЕЙНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикаси раҳбарларининг учрашув якунлари юзасидан қабул қилинган ахборотида бозорга ўтиш даврида ижтимоий кескинликни пасайтириш ва одамларнинг турмуш даражасини оширишга доир биргаликдаги фаолиятнинг стратегик йўналишлари белгиланган.

Яна бир муҳим ҳужжат — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисидаги битим доимий ишлайдиган иқтисодий идорани барпо этишга асос солди. Шунисси қувончлики, беш республика қаторига Озарбайжон ҳам қўшилди, Озарбайжон мамлакатнинг ушбу кенг ва аҳоли зич жойлашган минтақаси иқтисодиётига тенг ҳуқуқли асосда қўшилиш ниятидадир.

Учрашув қатнашчилари бир йил муқаддам Олмаотада эришилган аҳдномалар ва битимлар қандай бажарилаётганини ҳам муҳокама қилдилар. Шу вақт ичида кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўлинганлиги таъкидлаб ўтилди. Бироқ аҳдномаларнинг бажарилишини назорат қилишнинг пухта воситаси барпо этилганида эди, бундан ҳам кўпроқ иш қилиш мумкин бўлур эди. Эндиликда ана шундай восита бор.

Делегацияларнинг раҳбарлари 14 август куни музокараларни бошлаш олдидан баёнот бердилар, баёнотларда энг ўткир муаммолар тўғрисида гапирдилар ва Тошкентдаги ҳозирги учрашувга баҳо бердилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов очди. У Тошкент учрашувида қатнашаётган делегацияларнинг аъзоларини табриклаб, дастлабки учрашувдан сўнг ҳамкорликда ижобий силжишлар юз берганлигини таъкидлади. Ўша кенгашда муҳим аҳдномаларга эришилган, жиддий ҳужжатлар қабул қилинган эди. Улар ҳаётга сезиларли таъсир қилмоқда. Ўзбекистон пойтахтидаги учрашув Олмаотадаги учрашувнинг мантиқий давоми эканлиги таъкидланди. Айни Олмаота шаҳрида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликда қардош республикаларнинг сифат жиҳатидан янги муносабатларига асос солинган эди. Ўзбекистон Президенти мамлакатда ҳозир юз бераётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият учрашувимизни ўтказишни мақсадга мувофиқ қилиб қўйди, деб таъкидлади. Муҳокама қилинган ўткир муаммолар орасида қарорлар ва ўзаро мажбуриятларнинг бажарилиши, уларни бажаришни назорат қилишнинг таъсирчан воситасини ишлаб чиқиш каби масалалар бор. Янги Иттифоқ шартномасига муносабат ягона ёндашувни ишлаб чиқишни талаб қилаётган жуда муҳим масаладир.

Миллатлараро бозор муносабатларига ўтишда катта қийинчиликлар рўй бермоқда. Нарх-навонинг қимматлашгани, озиқ-овқат, кундалик зарур молларнинг кўпгина турлари етишмаётгани шулар жумласидандир. Бунинг қаторига пулнинг қадрсизланишини, аҳоли турмуш даражасининг пастлигини қўшмоқ керак. Келаётган куз, қиш даври жуда оғир бўладиганга ўхшайди. Фақат озиқ-овқат жиҳатдан таъминлаш эмас, шу билан бирга ёқилғи-энергетика комплексидаги кескин тус олган муаммолар туфайли ҳам оғир бўладиганга ўхшайди.

Лекин Ўзбекистон раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги учрашув минтақа республикалари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўткир муаммоларни ҳал этишга доир чора-тадбирлар мажмуини белгилаб олишга имкон беради.

Сўзга чиққан Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, учрашувни ташкил этганлик учун самимий миннатдорчилик билдирди. У Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг шу мураккаб даврдаги биргаликдаги ҳаракатлари танглик ҳолатларини юмшатишга қодир эканлигини таъкидлади. Бу эса иқтисодиётдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, миллатлараро муносабатларни тартибга солишга ёрдам беради. Н. А. Назарбоев Тошкент учрашуви чинакам тарихий учрашув эканлигини таъкидлади. Чунки республикалар мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилганлар, бу эса республикаларнинг давлатлараро муносабатларини янги поғонага кўтаради. Ҳозир бутун мамлакат каби Қозоғистон ва Ўрта Осиё минтақаси ўткир иқтисодий танглики бошидан кечирмоқда, бу танглик ишлаб чиқаришнинг жиддий таназзулида, бюджет камомадида, пулнинг қадрсизланишида намоён бўлмоқда. Бунга республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилиб қолганлиги қўшиладиган бўлса, кимгадир умид қилиб ўзгаришлар бўлишини кутиш мумкин эмас.

Яна бир муҳим жиҳати. Минтақада кўп миллатли халқ яшамоқда, минтақа бу халқ учун ватан бўлиб қолган, бу ерда турли миллат вакиллари яшайди. Шу жиҳатдан ҳар бир республика ноёбдир. Айни шу сабабли республикаларда яшаётган барча халқлар ҳуқуқлари тенглигига содиқликни яна бир бор тасдиқлаш зарур. Бу учрашув ҳам миллатлараро муносабатларга, вазиятни барқарорлаштиришга хаётбахш таъсир ўтказиши керак. Чунки сиёсий барқарорлик бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлидан олға томон муваффақиятли ҳаракат қилишнинг бош кафолатидир.

Бу учрашув Иттифоқ шартномасини имзолаш арафасида ўтмоқда. Биз қабул қилган қарорлар Иттифоқ шартномасининг руҳига тўла-тўкис мос келади. Биз шу тарихий ҳужжатни имзолашга, янгиланган иттифоқда яшаш ва ишлашга тайёрлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. Тошкент кенгаши сиёсий мақсадларни кўзда тутмайди. Унинг натижалари шу қийин даврда республикаларнинг кўп миллионли аҳолисини ҳимоя қилиши лозим. Ҳеч ким бир минтақа доирасида чекланиб қолмоқчи эмаслиги тушунарлидир. Аксинча, биз иттифоқдаги бошқа мустақил республикалар билан ҳам фаол ҳамкорлик қиламиз.

Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев, ушбу учрашувни ташкил этганлик учун қирғиз халқининг самимий миннатдорчилигини етказди. Бу кенгашнинг муҳимлиги шундаки, у Иттифоқ шартномасини имзолаш арафасида ўтмоқда, деди. Олмаотадаги биринчи учрашув минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришда, қардош республикалар ўртасида тағин ҳам мустақил алоқаларни йўлга қўйишда бебаҳо аҳамиятга эга бўлди. Хусусан Қирғизистон Республикаси Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди, Тожикистон билан ана шундай ҳужжат тайёрланмоқда. Бу эса республиканинг иқтисодиётига баракали таъсир қилди. Қирғизистон Президенти Иттифоқ шартномасини имзолашни тезлаштиришда етакчи роль ўйнаган мустақил республикаларнинг раҳбарлари Тошкентда тўпланганликларини таъкидлади. Улар Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшдилар. Бу кенгаш якунлари янгиланган иттифоққа қўшилиш ёки қўшилмасликни ҳал қилмаган республикалар тақдирида жиддий аҳамиятга эга бўлади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат кенгашининг тузилиши тўғрисида гапирганда, бу ҳозирги вазиятда зарур бўлган қатъий ҳаракатдир. Бундай идора жуда зарур. Чунки минтақа бозор маконини шакллантириш объектив ва қонуний заруриятдир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бозор бирданига катта ҳудудда шакллана олмайди, у аввал маҳаллий бозор сифатида вужудга келади. Минтақа бозори уйғун равишда умумиттифоқ бозорига сўнгра эса умумжаҳон бозорига қўшилиши мумкин.

Сўзга чиққан Тожикистон Президенти Қ. Маҳкамов ўтган йили имзоланган битимлар минтақани иқтисодий ривожлантиришнинг ижобий жиҳатларини мустаҳкамлаш учун пойдевор бўлганлигини таъкидлади. Ҳозирги учрашувни биз янги Иттифоқ шартномасини имзолашга қўшилган ҳисса деб баҳолаймиз. Ўтган йилги битимлар амалга оширилмоқда, кўпгина ижтимоий масалалар муваффақиятли ҳал қилинаяпти. Лекин ҳаммаси ҳам ҳал этилаётгани йўқ. Бу эса биз Олмаотада ҳужжатларни имзолаётганимизда уларни амалга оширишнинг яхши воситасини барпо эта олмаганлигимизни кўрсатади. Тошкент кенгашида тузиш таклиф этилган Маслаҳат кенгаши ана шундай восита бўлиши лозим. Биз бундай кенгаш барпо этишни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз ва у ўз ишининг дастлабки кунларидаёқ барча қарорлар ўз вақтида бажарилишини таъминлашини истаймиз.

Яқинлашиб келаётган қиш муносабати билан олдимизда мураккаб масалалар турибди. Ҳисоб-китоблар минтақамиз мураккаб ёқилғи-энергетика тартибига тушиб қолишини кўрсатмоқда. Шу сабабли минтақа ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта тақсимлаш тўғрисида яқин кунларда ҳукумат даражасида ҳужжат қабул қилиш ҳақида келишиб олишимиз лозим.

Тожикистон биринчи ярим йилликда ва ҳатто ҳозир ҳам мамлакатнинг бошқа минтақалари озиқ-овқат, ёнилғи, мойлаш материаллари ва бошқа маҳсулотларни кам етказиб бераётганидан жуда қийналмоқда. Шунинг учун ҳам ана шу масалаларни биргаликда ҳал этиш учун келишиб олишимиз керак. Келгусида бу жуда катта аҳамиятга молик бўлади.

Сўзга чиққан Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов Олмаота учрашувининг таъсири ҳозир яхши сезилиб турганлигини таъкидлади. Бу учрашув республиканинг бутун ижтимоий ҳаётига, вазиятни барқарорлаштиришга, бир қанча иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир қилди. Лекин имзоланган битимларнинг ҳамма бандлари бажарилди, деб бўлмайди. Бу ҳам халқ хўжалигини ривожлантиришга таъсир этди. Делегациямиз Тошкентдаги учрашувга катта аҳамият бермоқда. Уни тайёрлашда узоқ вақт давомида минтақадаги барча республикалар ишчи гуруҳлари, шу жумладан бизнинг республикамиз ишчи гуруҳлари қатнашди. Ҳужжатларнинг лойиҳаларида ҳамма республикаларнинг манфаатлари эътиборга олинган, улар айни бозорга ўтиш даврида шу республикалар халқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Улар умумиттифоқ ҳужжатлари ва қонунларига, янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасига зид эмас.

Минтақадаги бошқа республикалар каби Туркманистонда ҳам бой ресурслар, хом ашё мавжуд, лекин улар ҳозир белгилаб қўйилган нархлар билан сотилмоқда. Бундан республика зарар кўряпти. Бу ҳол сўнгги уч ой ичида икки миллиард сўмдан маҳрум бўлишга олиб келди. Шу сабабли Тошкент учрашувида хом ашё ва ресурсларнинг ягона нархини ишлаб чиқиш тўғрисида гаплашиб олиш зарур.

Озарбайжон Бош вазири Г. А. Асанов Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг кенгашида иштирок этиш имконияти берилганлиги, қардошларча, хурсандлик билан кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. У бутун иттифоқ иқтисодиёти каби Озарбайжон иқтисодиёти ҳам чуқур тангликни бошидан кечираётганлигини, бу тангликдан ёлғиз ўзи чиқа олмаслигини таъкидлади. Қайта қуриш қўшилишнинг энг мақбул тузилмаларини излаш имконини берди. Озарбайжон ўзининг географик мавқеига кўра бир неча минтақага, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонга яқиндир.

Озарбайжон ҳозир ўз иқтисодиётини маълум даражада Ўрта Шарқ мамлакатлари билан боғлади. Бинобарин, у Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг Эрон ва Туркияга чиқиши учун ўзига хос кўприк бўлиши мумкин. Паром кечувларидан, авиатранспортдан тўла фойдаланиш учун ҳақиқий имкониятлар бор. Боку — Истамбул, Боку — Теҳрон авиация маршрутлари бир вақтнинг ўзида Ўрта Осиё минтақасига ҳам хизмат қилиши мумкин. Халқаро телефон алоқаси хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Ҳозир марказ ихтиёрида бўлган Каспий денгизида биргаликда балиқ овлаш тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш зарур.

Озарбайжон бундан буён ҳам ҳозир «тўққиз қўшув бир» шаклида бўлган иттифоқ таркибида иқтисодий жиҳатдан ривожлана олади.

Биз биродарлар ва дўстларимиз, минтақадаги амалий ҳамкорлик тажрибангизни ўрганишга тайёрмиз, бу тажриба биз учун катта аҳамиятга эга бўлади, шунинг учун ҳам биз бу ерга келганмиз.

Ҳужжатлар имзоланганидан сўнг Ўзбекистон ССР, Қирғизистон Республикаси ва Туркманистон ССР делегацияларининг раҳбарлари дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги илгари имзоланган шартномалар кучга киргани тўғрисида ратификация ёрлиқларини айирбош қилдилар.

Тошкентдаги кенгашда Президентлар бир ҳафтадан сўнг имзолаш бошланадиган янги Иттифоқ шартномаси тўғрисида фикрлашиб олдилар. Улар янги Иттифоқ шартномаси барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган ҳужжатдир, деган яқдил фикрни билдирдилар. Бироқ, уни имзолаш тўпланиб қолган муаммоларни ўз-ўзидан ҳал қилмайди, балки катта тиғиз ишларнинг дебочаси бўлади, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари.

Президентлар минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштириш чораларини ҳам кўриб чиқдилар, кундалик муаммоларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Тошкент кенгаши қатнашчиларига якунловчи нутқ билан мурожаат қилди.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари учрашувини ёритиш учун Тошкентга келган совет ва хорижий журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Тошкент кенгаши қатнашчилари шарафига Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан зиёфат берилди.

Л. ЛЕВИН,
В. ПРУГЕР,
(ЎзТАГ мухбирлари).

СУРАТДА: Кенгаш залида. Л. ГУСЕЙНОВ олган сурат.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ССР ИТТИФОҚИ ДАВЛАТ МОЛ-МУЛКИ ФОНДИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

ССР Иттифоқи Давлат мол-мулки фонди тўғрисидаги низом тасдиқлансин (низом илова қилинади).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил, 10 август.

КОСОНДА КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Косон районида мева ва сабзавотдан йилига 3 миллион шартли банка консерва тайёрлайдиган завод қурилиши қизғин бормоқда. Корхона қурилиши учун 2 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланади. Бу ерда 12 та объект қад ростламоқда. Жумладан, маъмурий идора, цех, лаборатория, тайёр маҳсулотлар сақланадиган 2 та катта омбор, 2 та сув тўплаш резервуари, чиқинди сувлар йиғиладиган ҳавза, қозонхона ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди. Шунингдек, катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди.

И. УСМОНОВ.

МАМЛАКАТ ХАБАРЛАРИ

ҒАЛЛА — ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРДА

КИШИНЕВ. Молдовада мутахасисларнинг тахминларига қараганда, кутилганидан анча кам — 1,2 миллион тонна дон йиғиштириб олиш кутилмоқда. Молдова республикаси ҳукумати қарор қабул қилди. Қарорга кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарига галланинг 30 фоизгача бўлган қисмини шартномавий нархларда сотишга, тайёрлов ташкилотларига эса уни давлат буюртмасида кўзда тутилган ҳажмлар ҳисобига харид қилишга рухсат берилди. Давлат буюртмаси бажарилаётган даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республикадан ташқарига ташиб кетиш ва биржада сотиш тақиқланди, маҳсулотни иттифоқ истеъмолчиларига ҳамда республикалараро битимлар бўйича етказиб бериш бундан истисноднр.

КАСАЛЛИК КУЧАНИНГ ЎЗИДА АНИҚЛАНАДИ

ОДЕССА. Шаҳарда яшовчи ҳар бир киши шифокорларга мурожаат этмай, кўчада кетаётган вақтда ҳам ўз аллергенини аниқлаши мумкин. Шаҳар кўчаларида Одесса халқаро биоэнергетика ва биоэнерготехнология илмгоҳи — «Физли»да яратилган ташҳис (диагностика) асбоблари ўрнатилди. Уларда тахминан аллергия қўзғатиши мумкин бўлган нарсалар бор. Баданга ўрнатилган узатгичлар эса у ёки бу модда инсонга зарарли ёки зарарли эмаслигини шу заҳотиёқ хабар қиладилар.

ТАЪТИЛГА ЧИҚИШДИМИ ЁКИ ИШДАН БЎШАТИЛДИЛАРМИ

ИЖЕВСК. Удмуртия Вазирлар Кенгашининг қароригa асосан Ижевск шаҳрида Телекўрсатув ва радиоэшиттириш республика комитети тугатилди. Унинг раиси эса лавозимидан бўшатилди. Кейин яна бир воқеа ошкор бўлиб қолди: комитетнинг барча ходимлари ишдан бўшатилган экан. Лекин икки ойга. Таътил даври тугаши билан «Удмуртия» давлат телерадиокомпаниясини ташкил этиш ҳамда шартномалар тузиш йўли билан ходимлар олиш режалаштирилмоқда.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

Одатий мусоҳаба бўлиб чиқмади. «ЛГ»нинг биринчи саволигаёқ Ўзбекистон Президенти берган жавоб бирданига монологга — юрагида гапи кўпайиб қолган одамнинг ҳасратига айланиб кетди. Эҳтимол, бирданига эмасдир. Бизнинг у билан сўнгги суҳбатимиз бундан икки ярим йил илгари бўлиб ўтганди — эслайлик, ана шу йиллар мобайнида қанчадан-қанча қалқишлар рўй бермади, дейсиз. Бунинг устига Москва журналистлари Ўзбекистон ҳақида ёзганларида муштарийларни мавзуларнинг ранг-баранглиги билан сийлаётганлари йўқ, кўпроқ порахўрлик ва «пахта қули» ҳақидаги сюжетларни ёхуд норасмийлар бипан бўладиган кескинроқ суҳбатларни маъқул кўришаяпти.

«Наҳотки Ўзбекистонда мамлакат учун фойдали ҳеч нима рўй бермаётган бўлса! — бутун монолог тилга чиқмаган мана шу саволга жо этилгандай эди. — Ҳа, бу ерда умуман нималар бўлаётганини сиз биласизми!»

Шундай, эркин мамлакатда ҳатто президентлар ҳам ўз саволларига эга бўлишга ҳақлидирлар.

Ислом КАРИМОВ:

«...ОДАМЛАР БИР-БИРЛАРИНИ ЎЛДИРМАСИНЛАР»

ХАММА гап Иттифоқ меҳнат тақсимотига Ўзбекистонга қанақа ўрин ажратилганида — бир қадер ривожланган республикаларнинг хом ашё базаси, холос. У ерда, Москва ва Ғарбга яқинроқда бизнинг хом ашёмизни қайта ишлашдан асосий даромадлар олинарди, кейин бизга эса камбағал қариндошлар мисоли тирикчилик ўтказиш учун марказий жамғармалардан бирор нарса ажратиларди.

Оғир бўлса-да, ҳар қалай, ўз хўжалигини аста-секин ривожлантира бориб, бир амаллаб яшаш мумкин эди, аммо пахта мустақиллиги ҳақидаги шиор илгари сурилди. Чигит экиш учун боғлар кесиб ташланди ва деҳқонларнинг томорқалари ҳайдаб юборилди, пахта ҳатто шаҳарларимизга ҳам ўрмалаб кирди, ўртоқ Брежнев эса: «Шарофжон, яна бир миллион қўш», — дерди.

Эндиги аҳвол қанақа? Республиканинг миллий даромади Иттифоқ бўйича олган ўртача кўрсаткичдан икки баравар, Болтиқбўйидагига нисбатан эса уч марта паст. Қашшоқликнинг доимий йўлдоши — демографик портлаш аҳволни янада чуқурлаштирмоқда. Буларнинг барчаси — қурилиш ашёларидан тортиб олтин ва урангача — ҳамма ресурсларга эга бўлган бой ўлкада рўй бераяпти. Бошқа минтақаларда эса бундай ресурсларни ҳали қидиришга тўғри келади.

Ночор ҳаётга, оч-наҳор қолишга ва ҳамма зарур нарсаларни узоқ-узоқлардан ташиб келишга маҳкум одамларнинг сабр косасини тўлдирган нарса бу эмас. Ҳали яна чидаш мумкин эди. Бошқа нарса— миллий камситишга тоқат қилиш мумкин бўлмай қолди. Бутун бир халқ порахўр ва ўғрилар миллати сифатида тасвирланган, «ўзбеклар иши» ва «олтин устида кўзойнакли илон» каби ҳақоратомуз иборалар авжига чиққан 88—89-йиллардаги газетачилик кампаниясини эсланг лоақал. Ваҳоланки, газеталар Ўзбекистонни ларзага солган олий раҳбарлардан тортиб колхоз бригадирларигача қамоққа олишлар ва судлар кампанияси кетидан бораётган эди, холос. Ўзбекистонда ҳар икки кишидан бирини порахўрлиги учун ҳеч чўчимасдан қамаш мумкин! — дея ўша пайтда жон-жаҳди билан шуҳрат чўққисига интилган терговчиларнинг баландпарвоз баёнотини эсланг.

ШУ ЕРДА қўшимча қилмасам бўлмайди. Дарҳақиқат, пахтани қўшиб ёзиш бўйича ишлар бутун республикани ларзага келтирди, чунки жиноят таркиби деярли ҳар бир колхозда аниқланмоқда эди. Очиғини айтганда, 80-йилларнинг бошида бошқача ишлаб ҳам бўлмасди. Бажарилиши қийин режалар, ҳосилни қабул қилиш пайтидаги ноҳақ йиғимлар, бошлиқларнинг ҳаммасига ҳақ беришнинг қатъий тартиби, қулоқ солмаганларни аёвсиз жазолашлар — тузимнинг ўзи сохта ведомостларга имзо чеккан оддий колхозчилар орқали, барча очофатларга пора қистирган бригадирлар ва раислар орқали давлат бюджетидан пул сўриб оларди.

Шундай бўлганди. Бироқ 80-йилларнинг иккинчи ярмида республика прокуратураси қуйи бўғинни, ўша колхозчилар ва бригадирларни жавобгарликдан озод қилди. Қўшиб ёзишлар, ўғирликлар, порахўрликда қатнашган ўн беш минг кишига нисбатан жиноий ишлар тўхтатилди. Шунга қарамай...

НИМА учун «ўйин қоидаларига кўра» аксарият қисми зудлик билан Россияга, Москвага қайтарилган ўша ўғирланган миллионлаб сўмлар учун жавобгарлик асосан ўзбеклар зиммасига юкланди? Нима учун, эҳтимол, зарур бўлган тергов ҳаракатлари кўп ҳолларда одамларнинг қонқонига сингиб кетган ва миллий қис-туйғуларини таҳқирлашга қаратилди? Нима учун буларнинг барчаси диний ҳиссиётларни, халқ урф-одатларини, умуман ислом билан заррача бўлса-да боғлиқ ҳамма нарсаларни яксон қилиш ниятида олиб борилди?

Таомилдаги сиёсатдонлар момақалдироқ яқинлашиб келаётганини, мана-мана у гумбурлашини кўра билишлари, англаб етишлари лозим эди. Бутун бир миллат ҳақоратланди, яна бунинг устига такрор ва такрор. Ҳазиллашиб бўлмайдиган нарса бу. Қаерда портлаб кетади, унга нима туртки бўлади — номаълум, аммо, албатта, шундай ҳол рўй бериши аниқ.

Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарияти буни кўра олмади, тушуниб етмади. Портлаш рўй бериб, Фарғонада қон тўкилганда, уйларга ўт кетганда ўртоқ Нишонов раёсатда ўтириб бозорда қулупнай туфайли жанжал чиққан, деди ҳаммага эшиттириб.

БУ ОДАМ Ўзбекистонни жуда қалтис пайтда қабул қилиб олди. У маҳкамачига нисбатан кўпроқ курашчига ўхшайди. Фарғонада месхети туркларини ўлдиришаётган, ёндириб юборишаётган бир пайтда ана шу саховатпеша водийда мусулмонларни ўзаро қирғинбаротликнинг даҳшатли фикридан қайтариб қолишга ҳеч кимнинг қурби етмай турганди. Янги раҳбар нима қилиши мумкин эди! Рўй бераётган ҳодиса ҳақида аниқ ахборот йўқ, сўзсиз шарт бўлган обрў йўқ, ниҳоят, тартибсизликларни тўхтатишда тажриба йўқ — булар ўша пайтда кимда бор эди!

Каримов йўл танлади... балки танлаб ўтирмагандир ҳам. Биринчи котиб этиб сайланганидан бор-йўғи бир ярим кун ўтгач, Фарғонага учиб борди. Кутиб олган соқчилар взводини ҳайдаб юборди — одамларни ўлдиришаётган жойларга боринглар, деди. Обком қаршисида турган бронетранспортёрларни ҳам аланга ичида қолган даҳаларга жўнатди. Фақат берилган ахборотлар билан кифоя қилиб қолмасдан воқеаларнинг ичига ўзи кириб борди, «Волга»да водийнинг шаҳар ва қўрғонларини кезиб чиқди, ёнига эса соқчи ўрнига обком котиблари ва маҳаллий қокимият вакилларидан бирортасини олларди.

Водийда, республикада тезда шундай овоза тарқалди: янги «биринчи» — жасур одам экан. Шунинг ўзи катта гап эди.

АФСУСКИ, ўша пайтда мамлакатда ўрнида туриб: қулоқ солинглар, бутун бир миллатни ўғри ва таъмагир, деб аташга бизнинг ҳаққимиз йўқ! Тарихда бундай миллат бўлмаган, биз эса қадимий маданият ва анъаналарга эга, ажойиб шаҳарлар қурган ва бошқалар ҳали ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган бир пайтда астрономик жадваллар тузган йигирма миллиондан иборат халқни ҳақорат қилаяпмиз! — деб айтадиган бир мард инсон топилмади.

Умуман, мен биринчи котиб этиб сайланганимда, Ўзбекистон халқи руҳий шикаста ҳолатида эди. Демак, ишни руҳиятни тузатишдан бошлаш керак.

Халқ — бу тил, демак. Қанча йиллар мобайнида ўзбек тили ўз ерида иккинчи тоифадаги, истеъмол учун мажбурий ҳисобланмаган тил бўлиб келди, неча йиллар давомида ўзбек руснинг ёнида ўзининг тенгсизлигини, «катта ога»га қарамлигини ҳис этиб келди. Нима учун бунга чидаш керак? Биз давлат тили тўғрисидаги қонунни қабул қилдик, бу эса кўз ўнгимизда ўзбекларнинг миллий ўзини ўзи англашини яхшилади.

Бироқ мусулмон маданиятидаги халқни руҳий таназзулдан чиқариш мумкин бўлган асосий йўналиш дин эркинлигини, ислом билан чамбарчас боғлиқ миллий урф-одатларга риоя қилиш эркинлигини яратиб беришдан иборат эди. Биз узоқ ва орзиқиб кутилган ана шу эркинликни сўзда эмас, амалда таъминладик.

РЕСПУБЛИКАДАГИ норасмийларнинг йўлбошчиларидан бири Тошкентда америкалик советшунос профессорни хўрсиниб шундай огоҳлантирди: «Сизга ҳамма нарсани қойилмақом қилиб тушунтириб беради, кейин сиз унинг фикрларига қўшиласиз ва ҳа, Каримов — ҳақ дейсиз». Америкалик, қатъий антикоммунист ва астойдил антисоветчи бундай кароматдан кулиб қўйди. Ўзбекистон Президенти билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин профессор менга эътироф этди: «У жуда ишонтира олади. Мақсадни аниқ кўради ва унга эришиш йўлини билади. Ўз фалсафаси бор, мухолифлари бу фалсафани рад этишлари осон эмас».

БИЗ республикада қанча ёлғиз қариялар борлигини ҳисоблаб чиқдик. 40 минг нафар экан. Улар ўз уйларида, квартираларида яшаб туришибди, аммо боқувчилари, ёрдамчилари йўқ. Шундай қарорга келдик: ҳар бир пенсия дафтарчасига қўшимча варақ ёпиштирайлик, шу асосда у доимий равишда ва бепул ўн хил озиқ-овқат олиб турсин. Пенсионер дўконга келади, унга нон, шакар, ун, ўсимлик мойи ва бошқаларни беришади. Ҳозирча сариёғ билан таъминлай олмаяпмиз, ресурслар йўқ, бироқ совун, яна баъзи бир хил кийим-кечак бераяпмиз. Қирқ минг қария — бундай қараганда унчалик кўп эмас, аммо белгилаган тадбиримизни амалга ошириш учун ўн бир миллион сўм керак бўлди. Тоғдик. Шунинг учунки, бу тадбир одамлар нима учун яшаётганларини, нима учун ишлаётганлари ва нима учун умуман ўз хўжаликлари кераклигини — бошқа одамларга саховат кўрсатиш лозимлигини эслай бошлайдиган вазиятни вужудга келтиради.

Кимдир, эсимда йўқ, бу дунёни ғўзаллик қутқаради, деганди. Бу фикрга қўшилмайман. Бу дунёни яхшилик, фақат яхшилик қутқаради. Агар мамлакат шафқатсиз бўлиб қолса, у ҳолда раҳбарларнинг биз тўғри йўлдан бораяпмиз, деб айтган гаплари қадри сариқ чақага ҳам арзимайди. Бу — нотўғри йўл. Мен, иқтисодчи, иқтисодиёт кўрсаткичларига ишонмайман, жамиятнинг аҳволи тўғрисида миллий даромадга қараб ҳукм чиқаришга ишонмайман. Сиёсатчи учун асосий кўрсаткич — аҳоли жон бошига тўғри келадиган саховат миқдори. Агар меҳр-мурувват ортса, одамлар бир-бирларига кўпроқ ёрдам берсалар, жамият соғайиб боради, жамият Сталиннинг қамчисисиз ҳам ўз иқтисодиётини ўзи яхшилай олиши за бойиб кетиши мумкин. Аммо биз шафқатсиз бўлиб қолсак, ёвузлик ва ҳужжумкорлик кучайса, демак, йўлимиз нотўғри, у яна зўравонликка олиб боради. Мен шундай тушунаман.

Бу гапдан сиёсатчи қўл қовуштириб ўтириши, у ёқда одамлар сахийлашиб қолишдими ёки ҳали йўқми, деб кузатиши керак, деган хулоса келиб чиқмасин тағин. Бу масалада ўзинг енг шимариб ишга киришувинг, манфаатдор барча кучларни жамлашинг, бор имкониятларни сафарбар этишинг лозим бўлади. Ушандагина, агар истасанг, имкониятлар кўплигига ишонч ҳосил қиласан.

Шундай мисол — биз мактабларда болаларга бепул нонушта бераяпмиз. Ҳар ким ҳам ўз боласи ўқишга кетаётганида унга пул бериб юборишга қодир эмас, менинг ўзим, эсимда, очликдан дарс пайтларида ухлаб қолардим. Ҳозир миллионлаб болаларга ҳар куни пирожки ва бир стакан сут бериб турибмиз. Маблағларни қаердан олдик? Бу масала оддийгина ҳал этилди. Мактабларга озиқ-овқат берадиган хўжаликларда уни харид режасига ҳисоблаймиз. Ҳамма давлатга қандайдир эгасиз маҳсулот етказиб бергандан кўра, аниқ хайрли иш қилишни маъқул кўраяпти, болалар эса ўзларининг экани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади!

Бироқ энг жиддийси — ер ва турар жой. Аниқроғи, биз ўз ислоҳотларимизни ердан бошладик. Пахта режасини камайтирдик, ғўзадан ҳоли бўлган экинзорларнинг ҳаммасини шахсий ёрдамчи хўжаликларга тақсимлаб бердик. Ярим миллион гектар, бу — ҳазил гап эмас. Ҳар бир оилага йигирма сотихдан тўғри келади. Мана шу ер дарҳол колхозда бўлганига қараганда ўн баравар кўп товар маҳсулот бера бошлади. Қишлоқ одамлари енгил нафас олмоқдалар, яхши овқатланадиган бўлишди, кўп пул топишаяпти — ортиқчаси бозорга чиқарилаяпти-да. Мана шу ерда 700 мингта янги ёрдамчи хўжалик ташкил топди. Демак, ишсизлик кескин камайди, кенг кўламда турар жой қурилиши авж олдириб юборилди — ҳаммасини ўз кучлари билан бунёд этишаяпти, бюджетдан бирор тийин олингани йўқ. Колхозлар, совхозлар ўз ғишт заводларига эга бўлдилар, бу даромадли иш ҳозир: ғиштга ҳатто Россияда ёғоч алмашмоқдалар. Энг муҳими — ижтимоий кескинлик юмшаганлиги бирданига сезила бошланди. Низолашиб ўтиришга вақт йўқ — ерга ишлов бериш керак, ёшлар уй қуришлари, уйланишлари, рўзғор қилишлари лозим...

ГАПНИНГ индаллосини айтганда, мана шунинг ўзи бозорга ўтиш ҳаракатидир. Биз навбат кутиб кун ўтказаётганимизда, бир-биримизга нисбатан ёвузликни авж олдираётганимизда Ўзбекистонда иш қилишаяпти, уйлар қуришмоқда, хонадон чорвасини боқишмоқда ҳамда мутлақ товар миқдорида шахсий сабзавот етиштиришаяпти. Бозорлар озиқ-овқатга сероб, нархи ўтган йиллардагига қараганда анча юқори, албатта, аммо Москва ўёқда турсин, умуман Россиядагига нисбатан жуда паст. Дўконларда биз унутиб юборгандай манзара: пештахталарга пойафзал териб қўйилган, илгичлар эса гарчи хорижий бўлмаса-да, ўзларида ишлаб чиқарилган кийим-кечакка тўла. Зотан, радиотоварлар бўлимида, истасангиз, Гонконгнинг икки кассетали, хоҳласангиз, Жанубий Кореянинг «Голдстар» фирмаси билан Тошкентнинг «Зенит» фирмаси биргаликда ишлаб чиқарган видеоплейер сотиб олишингиз мумкин.

Одамлар ишлашаяпти. Республика Ички ишлар вазирлиги тасдиқлашича, эгри жиноятчилик синиб, пасайиб бораяпти. Бир йил муқаддам кўчиб кетиш учун контейнерларга навбат кутиб жанжаллашган русий забонли аҳоли эндиликда ўйлаб қолди: тарихий ватанда ҳаёт анча ёмон, бегоналарга ноҳуш қарашади, миллатлараро келтаклашларга жўнгина синфлараро ва партияларо можароларни ҳам қўшишаяпти...

ШУНДАЙ қилиб, айтмоқчиманки, ҳокимият фақат олмасдан, бера билиши ҳам керак. Сўзда эмас, аниқ кўринишда бериши лозим, токи ҳар бир кишининг аҳволида ўзгариш бўлгани сезилиб турсин. Деҳқонга ер — яхши.. Бироқ талабага ҳам ёрдам қўлини чўзиш зарур — унга ҳар ойда қирқ сўм қўшимча пул берилаяпти, стипендияси 150, яшаса бўлади. Уруш фахрийларига ўзлари яшаб турган уйлар мулк сифатида берилди, текин йўлкира таъминланди — бу ҳам ёмон эмас, тўғрими? Миллат бошланадиган муаллимларга ҳам уйлар бепул берилди, уларнинг обрўси кўтарилди, қишлоқларда эса ўқитувчиларга ер майдонини биринчи навбатда ажратмоқдамиз, турли хил ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Мана энди эркаклар муаллимликка жон деб кўнишаяпти, бу бутун бир армия, 400 минг маълумотли киши, улар ҳокимиятимиз учун эндиликда кўкракни қалқон қиладилар!

Бироқ ҳокимият ўзи берган нарсаларни ҳимоялаши ҳам керак, Президент, миллати ва касби-кориданқатъий назар, республикадаги ҳар бир аҳоли ва меҳмоннинг ҳавфсизлигини кафолатлашга мажбур, мен ўз бурчимни ана шундай тушунаман. Биз биринчи навбатда миллатлараро иноқликни таъминлашимиз зарур, бусиз на бозор, на демократия бўлади,- умуман ҳеч нарса бўлмайди.

Мени ўзига ҳокимият, айтайлик, худо томонидан берилган, бундан буён у бошқалар учун дахлсиз, деб тушунади, деган хаёлга бориб юрманг тағин. Ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаи битта — халқ, унинг хоҳиш-иродаси, унинг манфаатлари, Ислом Каримовнинг шахсий тақдири шундай бўлдики, ҳозирги ўтиш даврида у Ўзбекистон халқи тақдирига ўз саъй-ҳаракатлари билан таъсир кўрсатиш имкониятини, аниқроғи масъулиятни зиммасига олди. Бу таъсир фойдали, самарали бўлса, халқ мени ҳокимият тепасида қолдиради. Акс ҳолда суриб ташлайди ва яхши сўз билан эсламайди.

Бироқ мен эслашини истайман.

БИЗ янги раҳбар шахсига сиғиниш зўр бериб авж олдирилаётган республикаларни биламиз. Ўзбекистонда худди афсонага ўхшаш нарса пайдо бўлаяпти. Масалан, ҳар хил одамлар менга Бўкада рўй берган тартибсизликлар ҳақида ҳикоя қилишди. Ҳаммалари ёнаётган уйлар, портлаётган газли баллонлар ҳамда шайтон қиёфасига кирган, наша чекиб олган оломонни тилга олишди, пировардида эса мутлақо эпик бир манзарани чизиб беришди: Президент оқ отда [!] мана шу тўда орасига ёриб кирган ҳамда овоз кучайтиргич орқали «Мен — Каримовман, буйруқ бераман: тўхтанглар!» — деб қичқирган.

Овоз кучайтиргич бўлиши — тушунарли, аммо от қаердан келиб қолди! У шу яқин орада ўтлаб юрарди. Каримов хунрезлик бўлаётган ерга югуриб бораётганида бутун тўдага аниқ кўриниш учун нимаингдир устига чиқиб олиш зарурлигини тушуниб етди.

Ўз ҳурматини биладиган бу инсон оддий халқ билан муомала қила олади. Ўз вақтида жойларини алмаштириш ва тарқатиш йўли билан маҳкама жиловини ушлаб туради, ташвишланаётган русий забонли одамларни миллий ҳис-туйғуларни назоратга олгани, улар бузғунчилик йўлига ўтишига имкон бермаслигини айтиб, тинчлантира билади. Бироқ бошқа ҳамма нарсадан ёмонроқ (балки яхшироқ, буни у яширади) оппозиция билан ҳамкорлик қилишидир. Республикада оппозиция борлигини инкор этади. Табиийки,оппозиция сифатлашларга хасис эмас. Энг юмшоқлари: «яккаҳоким», «иккинчи бош котиб», «подшо». Ҳафа бўлганларининг сабаби: демократияни қисиб қўймоқда, митинглари таъқиқлади, республика матбуотини бўйсундириб олди, Москва, бошқа республикаларнинг радикал матбуотига йўлни тўсиб қўйди, дейишаяпти. Яқинда, айтиш мумкинки, кучли далил қўшилди: марказдан келаётган нобоп мухбирларни республикадан чиқариб юбора бошлади (бинобарин, шундай бўлиши уларни анча машҳур қилиб қўймоқда).

ҲОЗИРЧА марказдаги барча нашрлар билан конструктив тарзда ҳамкорлик қилиш иложи бўлмаётганига жуда ачинаман. Биз бундан буён **фақат ҳамкорлик** қилишимизни, бир-икки кунга республикага учиб келган журналистларнинг маслаҳатларини ижро учун қабул этмаслигимизни ҳамма ҳам тушуниб етаётгани йўқ. Унақа даврлар ўтиб кетди.

Буни тушунаётган ва чиндан ҳам ҳамкорлик қилишни истаётган мухбирлар муайян шартларга риоя этишлари лозим. Биринчидан, Матбуот ҳақидаги қонун доирасида иш кўриш керак, ана шу ҳужжатда ахборот олиш эркинлигидан ташқари босилган мақолаларнинг ҳаққонийлиги учун масъулият ҳам белгилаб қўйилган. Иккинчидан, журналист алоҳида шахс эмас, у ўз мақолаларининг қандай оқибатларга олиб келишини ҳисобга олишга мажбур. Учинчидан, сиз бошқа давлатга келаётганингизни, унинг ҳукумати ўз ҳудудига қадам қўяётганларни тартибга солиб туришда қонуний ҳуқуққа эга эканини англаб етишингиз керак, бутун маданийлашган дунёда ана шундай қабул қилинган-ку, ахир (шуниси ғалатики, буни айни республикаларнинг мустақиллиги учун бошқаларга қараганда ашаддийроқ курашаётган нашрлар англаб етишмаяпти).

Амалда нима бўляпти ўзи? Афсуски, баъзи матбуот органлари Ўзбекистонни навбатдаги «фош этиш» билан оғриқлироқ, аламлироқ силкитишни ўзларига шараф деб билмоқдалар. Энг сўнгги мисол — «Комсомольская правда»нинг ҳурматли ўзбек шоири машинасини ўққа тутган мерганлар ҳақидаги хабари. Равшанки, бундай шов-шув уйдирма бўлиб чиқди, бироқ республика бир зумда жунбушга келди, одамларни тинчлантириш учун кўп меҳнат сарфлашга мажбур бўлинди. Бунинг учун ким жавоб берди? Газета лоақал кечирим сўрадими? Шундай бўлганидан кейин биз унинг мухбирлари пинҳоний ташрифларига қандай муносабат кўрсатайлик?

БУНДА мантиқ бор. Ваҳоланки, ички ишларда кескинликни кучайтиришнинг ўзи ҳам портлашга сабаб бўлиши мумкин. Ахир, «Комсомолка»нинг ўша, мерган тўғрисида уйдирма тарқатилган сонида «Бирлик» арбоблари билан каттакон мусоҳаба республикадаги вазиятга уларнинг нуқтаи назари босилганди. Баҳслими! Келинг, баҳслашинг, бунинг устига далиллар бор. ,Бироқ агар Президентдан норози кишилар республикада ўз фикрларини баён этолмасалар, унинг ташқарисида бу ҳақда гапирсалар, буни ҳам қонуний деб ҳисобламоқ керак.

МЕНДАН сиз нима учун Ўзбекистонда ижтимоий ҳаракатни қисиб қўяяпсиз, деб очиқдан-очиқ сўрашганида «Қайси ҳаракатни?»—деган саволни бераман мен ҳам очиқдан-очиқ уларга. Ўша ҳаракат, бунинг устига партиялар қани, қаерда? Улар кимнинг вакиллари? Масъулиятни тўла бўйнимга олиб, айтаманки, ўзбек халқи ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини ифода қиладиган ҳақиқий кенг ҳаракатлар, афсуски, республикамизда ҳозирча йўқ. Пайдо бўлса, бирон-бир арбоб қонунда кўзда тутилганидек, лоақал уч минг имзо тўплай олса, ўшанда биринчи бўлиб ўзим қуллуқ қиламан ва келинг, стол атрофига ўтиринг, жиддийроқ нарсалар ҳақида сўз юритайлик, дейман. Алоҳида шахслар (улар ўзларини фақат шундай тасаввур этмоқдалар) билан эса мен сиёсатчи сифатида гаплашишга ҳақли эмасман. Шахсий суҳбат бўлса — марҳамат. Менинг улар билан шахсий муносабатларим таомилдагидек.

Мана шу митинглар ҳақида ҳамиша савол беришади. Республикада митинглар таъқиқланмаган, йўқ. Сизларга қайси бинони берайлик, дейман уларга. Истаганингизни танланг, қанчалик тўлдира олсангиз, бориб митинг қилаверинг, марҳамат! Фақат ўз соқчиларингизни қўйинг ҳамда ҳис-туйғулар кўчага тошиб чиқмаслиги учун энг оддий тартиботни ўзингиз таъминлангиз. Бу бизнинг шароитимизда жуда даҳшатли тус олади. Болтиқбўйида, Москва, Украинада плакатлар кўтариб соатлаб бемалол туриш, нутқлар сўзлаш, бир-бирини тинглаш мумкин. Мен ана шундай митинг учун иккала қўлимни кўтараман. Бироқ бизда қандай бўлади? Кимдир ножўя гап айтиб қўяди — ўсмирлар тош ота бошлайдилар, чиғаллаштиришга уринишлар авж олади, ўзларникига ўзлари қарши чиқишади. Мен ана шундай кўзларни кўрганман. Тўда орасида жиноятчилик қаердан пайдо бўлиши ва ким қачон «Ур бегонани!» деб албатта қичқиришини ҳам биламан. Шундан кейин калтаклагани юғургилаб қолишади, буни биз бошдан кечирдик, ахир.

Демократия, эслатганим учун мени маъзур тутасиз, ҳар нарса қилиш мумкин, деган гап эмас. Демократия — бу халқ ҳокимияти, ҳар қандай ҳокимият эса интизомсиз, онглилик ва тартибсиз яшай олмайди. Чинакам демократия сўйилларга эмас, оммани нимани қилиш мумкин, нимани мумкин эмаслигини тушуниб етишига таянади. Демократияда жуда кўп нарсаларга йўл қўйиб бўлмайди. Уриш мумкин эмас, ёндириш мумкин эмас, бегонаникини олиш мумкин эмас, бошқа одамнинг қадриятини ерга уриш мумкин эмас.

Демократияни куч билан жорий этиб бўлмайди, у сингиб боради, бу жараён баъзан узоқ кечади. Чинакам демократияни ҳокимият таъсис этмайди, одамларнинг ўзлари маданиятлари билан, ижтимоий эҳтиёжларни тушунишлари билан барпо қиладилар.

Мен ана шу тупроқда одамлар осойишта ва хавф-хатарсиз яшашлари учун ҳар қандай нархни тўлашга тайёрман. Пул билан, ресурслар билан, баъзи журналистларнинг кўзлари ўнгидаги ўз сиёсий обрў-эътиборим билан тўлайман, аммо Ўзбекистонда одамлар бундан кейин бир-бирларини ўлдирмайдилар. Ўрнимга бошқа одам келиши, бошқа йўл ўтказиши мумкин, бироқ мен ҳеч қачон чекинмайман. Шунинг учунки, Фарғона ва Ўшда бўлганман, яхши биламан: Фарғонадагига ўхшаш воқеа яна содир бўлса, биз халқ сифатида энди кўтара олмаймиз.

ҲОЗИР Ўзбекистонда бу одамга нисбатан бефарқ қарайдиганлар йўқ кўринади. Баъзилар унга минатдорчилик билдиришаяпти. Ўзларининг орзу-умидларини у билан боғлашаяпти, ҳатто чеккан барча азоб-уқубатларимиз учун Каримовни республикага Худонинг ўзи юборди, дейишмоқда. Бошқалар эса гоҳ пинҳоний, гоҳ ошкора тарзда уни ёқтиришмаяпти, бунинг учун асосли сабаблар ҳам йўқ эмас.

Ўз Президентига баҳо беришнинг муқаддас ва тугал ҳуқуқини Ўзбекистон халқининг ўзида қолдирайлик. Бизнинг ишимиз у ерда, умумий хонадонимиз бўйича қўшнимизда рўй бераётган ҳодисаларни кўра билишдан, хайрли ишларига қурбимиз доирасида ёрдамлашиш ҳамда унга зарар етадиган хавф пайдо бўлганда виждонан огоҳлантиришдан иборат. Ана ўшанда қўшни ҳам [у собиқ, бироқ ишончим комилки, бўлғуси биродар] бизга айнан шундай жавоб қайтаради.

Владимир СОКОЛОВ,
«ЛГ» махсус мухбири.
(«Литературная газета»нинг 1991 йил 14 август сонидан).

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИЛДИ

Фарғона вилоятидаги «Ленинград» давлат хўжалигининг картошкачилик бригадалари ҳосилни йиғиштириб олишга киришдилар. Бу бригадалар ижара усулида меҳнат қилишмоқда. Хўжаликда 300 гектарга яқин майдонга картошка экилган. Деҳқонлар қариб тўрт ярим минг тонна картошка кавлаб олишни мўлжаллашмоқда.

Сўх дарёси соҳилида жойлашган бу тоғли давлат хўжалигида картошкачилик қадимий анъанага эга. Маҳаллий деҳқонлар йилдан йилга мўл ҳосил етиштириб, ҳаммани ҳайратга солишмоқда. Мана ҳозир ҳам М. Ҳайдаров бригадасининг ижарачилари ҳар гектар майдондан 200 центнердан ортиқ ҳосил олишмоқда. О. Шарипов, Х. Илёсов, О. Мамадалиев, К. Шодмонов бошлиқ жамоалар ҳам ёмон натижага эришгани йўқ. Бу бригадаларнинг хўжалик билан тузган шартномаларида гектаридан 180—190 центнердан ҳосил топшириш режалаштирилган эди.

Экинларга миришкорлик билан ишлов бериш, механизациядан кенг кўламда фойдаланиш ва албатта катта тажриба туфайли шундай мўл ҳосил етиштирилмоқда. Давлат хўжалиги «Ўзсортсемовощ» республика бирлашмасига киради. Бирлашма агрономлари ҳам хўжаликка катта ёрдам бермоқдалар. Чунончи, хўжаликда бу мавсумда картошканинг фақат учта навидан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Бу эса ўсимликларнинг касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашни анча енгиллаштирди.

Шу кунларда ҳосилнинг катта қисми бевосита далаларнинг ўзидан вилоят савдо тармоқлари ҳамда сабзавот базаларига жўнатилмоқда. Ҳосилнинг кўпчилик қисми давлат хўжалигида — ишчиларнинг оилалари учун, шунингдек келаси йил ҳосили учун уруғлик жамғармаси сифатида қолдирилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ДОЛЗАРБ МУАММО

Дўстлик районида Ўзбекистон ССР Президентининг республика аҳолиси шахсий хўжаликларидаги чорва моллари ва паррандаларни емхашак билан таъминлаш ва уларда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш ҳақидаги ҳамда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармонлари бажарилиши бирмунча яхши йўлга қўйилган. Район совети бу борада аввал бошданоқ аниқ режа асосида ишга киришди. Сўнгра вақти-вақти билан Дўстлик шаҳар совети, Бунёдкор, Комсомол қишлоқ советлари шу аснода қандай иш олиб бораётгани ўрганилиб, район совети раёсати мажлисида муҳокама қилинди.

Албатта, ўтказилган тадбирлар ўз натижасини бермай қолмади. Ҳозир шахсий хўжаликларда қорамоллар сони 5505 бошга етказилди, унинг 2517 таси соғин сигирлардир. Йил охиригача бу кўрсаткич яна мингтага ошиши кўзда тутилмоқда. Кейинги вақтда аҳолига 120 ўрнига 183 бош бузоқ сотилди.

Кишиларга қорамол, қўй, чўчқа, эчки, жўжа сотиш давом этмоқда. Бу борада қишлоқ советлари иши фаоллаштирилаётир, бозордан мол сотиб олишга қурби етмайдиган, кам даромадли, аммо серфарзанд, сигирга муҳтож оилалар ҳисобга олинмоқда, сўнгра шунга кўра иш юритилаётир. Кунжара, омухта ем дўконлари очиқ турибди. Ҳар бир киши чорва озуқасидан истаганича харид қилиши мумкин. Бундан ташқари хўжаликларнинг ўзларида ем цехлари очишди.

Районда фермер хўжаликларининг сафи кенгайгандан кенгайиб бормоқда. Ҳозир ана шундай оилаларда боқилаётган қорамоллар сони 800 тага яқинлашди. Ленин номли давлат хўжалигидан фермер Эгамқул Мавлонов бир йил давомида давлатга 10 тонна гўшт, 98 тонна сут топшириб, 55 минг сўм соф фойда олди. М. Дадажонов номли давлат хўжалигидан К. Шербеков, «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигидаги бир қатор фермерлар ҳам давлатга, ҳам ўзларига катта фойда келтирмоқдалар.

Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида силжишлар бор: Дўстлик шаҳрининг 2-микрорайонида 1,8 километр масофада газ қувури ишга туширилди, қўшимча учта газ тақсимловчи нуқталар фойдаланишга топширилди. Кейинги йилларда район бўйича 23,6 километр масофада қувур ётқизилиб, натижада 304 хонадон табиий газ билан таъминланди. Ленин номли давлат хўжалигида ўн йилдан буён ваъда қилинаётган 20 хонадонга «зангори олов» киритилди. «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигида ҳам ана шундай 12 хонадонда бугун хурсандчилик. Ойбек номли бўрдоқичилик хўжалигидаги 72 хонадон табиий газдан баҳраманд бўла бошлади.

Тўғри, районда ҳали газ етиб бормаган хонадонлар кўп. Бунда, айниқса қувур топиш катта муаммо бўлиб турибди. Хўжаликлар Россия заводлари билан шартнома тузиб, қувур келтириш йўлларини изламоқдалар.

Ичимлик суви муаммоси ҳам ҳозир оғирлигича қолмоқда. 53 километр масофадаги Жиззах—Дўстлик сув қувури чириб кетган, уларни алмаштириш учун қувур топилмай турибди. Хўжаликлардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Район совети раёсати ана шу муаммолар бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш билан бирга мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали уни ҳал этиш йўлларини изламоқда.

М. АБУЛҚОСИМОВ.

ССР ИТТИФОҚИ ДАВЛАТ МОЛ-МУЛКИ ФОНДИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. ССР Иттифоқи Давлат мол-мулки фонди (иттифоқ Давлат фонди) СССР Вазирлар маҳкамаси ҳузурида иш олиб борадиган Давлат бошқарув идораси бўлиб, СССР Президентига ва СССР Олий Кенгашига бўйсунади. Иттифоқ Давлат фонди умумиттифоқ мулки ҳисобланган мол-мулкка нисбатан давлат манфаатларини ҳимоя қилишга ваколат берилган.

2. Иттифоқ Давлат фонди ўз фаолиятида СССР Конституциясига, СССР қонунларига, СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Кенгашининг бошқа қарорларига, СССР Президентининг ҳужжатларига, СССР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Иттифоқ Давлат фонди ўз зиммасига юклатилган вазифаларни республикаларнинг ҳукуматлари, вазирликлар ва СССР Давлат бошқаруви ўзга идоралари, шунингдек жамоат бирлашмалари билан мустаҳкам ҳамкорликда ҳал қилади ва амалга оширади.

4. Иттифоқ Давлат фондига қуйидаги вазифалар топширилади:

ССР Иттифоқи мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ССР Иттифоқи мол-мулкидан фойдаланиш самарадорлиги ва бу мулкнинг сақланишини назорат қилиб бориш;

умумиттифоқ мулки бўлган акциялар (пайлар)ни сақлаш, шунингдек иттифоқ давлат корхоналари ижарага топширилган тақдирда ижарага берувчи вазифасини ўташ;

давлат иттифоқ корхоналарини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, унинг ижросини ташкил этиш ҳамда дастур амалга оширилишини таҳлил этиш;

давлат ихтиёридан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат иттифоқ корхоналари мол-мулкининг, шунингдек умумиттифоқ мулки бўлган ва фойдаланилмаётган биноларни, қурилиш тўхтатиб қўйилган иншоотларни ва бошқа мол-мулкни сотиш ёки ижарага бериш чоғида уларни баҳолаш ишларини ташкил этиш;

умумиттифоқ мулки бўлган мол-мулкни сотиш юзасидан ким ошди савдоси ва танлов ўтказиш тартибини белгилаш ва уни ташкил этиш;

бўшаб қолаётган ҳарбий-техникавий мол-мулклардан фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш ва буни таҳлил этиш;

мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида ошкораликни таъминлаш.

5. Иттифоқ Давлат фонди ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

меҳнат жамоаларининг таклифларини ҳисобга олиб, умумиттифоқ мулки ҳисобланган давлат корхоналарини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш шакли ва тартибини белгилаш;

давлат иттифоқ корхоналарини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш ишларини амалга ошириш учун комиссия тузиш;

умумиттифоқ мулки бўлган иншоотларни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш, шунингдек ҳарбий-техникавий мол-мулкдан фойдаланиш жараёнини бошқарадиган меъёрий ва методик ҳужжатларни тасдиқлаш;

давлат иттифоқ корхоналарини акционерлик жамиятларига (ширкатларига) айлантириш чоғида умумиттифоқ мулки бўлиб қоладиган акциялар (пайлар) улушини аниқлаш;

ССР Молия вазирлиги билан биргаликда давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акционерлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ёки ширкатлари акциялари (пайлари)ни тарқатиш, шунингдек давлатга қарашли акцияларни сотиб олиш ва сотиш умумий тартиби ва шартларини ишлаб чиқиш;

давлат ихтиёридан чиқариш ёки хусусийлаштириш лозим бўлган давлат иттифоқ корхоналари мол-мулкининг айрим турларини меҳнат жамоаларига уларнинг мулки қилиб топшириш, шунингдек ҳуқуқий шахсларга ва фуқароларга мулк қилиб топшириш чоғида уларга қонунда кўзда тутилган имтиёзларни бериш тартиби ва шартлари тўғрисида қарор қабул қилиш;

бошқа мулк эгаларига қарашли, шу жумладан СССРдаги ҳамда чет элдаги хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга қарашли мол-мулкни сотиб олиш;

Иттифоқ Давлат фонди зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳудудий ва ўзга бўлимлар ҳамда ташкилотларни, шунингдек акционерлик (пай) негизида тармоқ ва ҳудудий мол-мулк фондлари, суғурта, брокер, холдинг ва бошқа компанияларни ташкил этиш;

ССР Иттифоқи мол-мулкини бошқариш ҳуқуқини СССР ва республикалар Давлат бошқарувининг тегишли идораларига бериш;

корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш муаммолари юзасидан бошқа мамлакатларнинг давлат идоралари, ноҳукумат ташкилотлар ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилиш.

6. Иттифоқ Давлат фондининг ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан чиқарилган қарорлари вазирликлар, СССР Давлат бошқаруви бошқа марказий идоралари ҳамда умумиттифоқ ихтиёридаги мол-мулкни бошқариш билан шуғулланувчи ўзга ташкилотлар учун мажбурийдир.

Иттифоқ Давлат фонди хўжалик вазифаларини ҳал қилишга ва корхоналарни кундалик бошқаришга аралашмайди.

7. ССР Иттифоқи билан республикаларнинг биргаликдаги мулки бўлган корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига доир қарорлар Иттифоқ Давлат фонди томонидан республикаларнинг тегишли равишда ваколат берган идоралари билан бирга қабул қилинади.

8. Иттифоқ Давлат фонди давлат мулки бўлган иншоотларни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлмаган тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Иттифоқ Давлат фондининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари корхоналар билан тижорат ва меҳнат муносабатлари ўрнатишга, умумиттифоқ мулкини сотишга доир ким ошди савдосида харидор сифатида иштирок этишга, хизмат вазифаларини бажаришдан шахсий фойда олишга олиб борадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслар.

9. Иттифоқ Давлат фондида СССР Президенти томонидан тайинланадиган раис, СССР Вазирлар маҳкамаси тайинлайдиган раис ўринбосарлари, СССР Вазирлар маҳкамаси томонидан бошқарув аъзолари қилиб тасдиқланадиган бошқа раҳбар ходимлар, шунингдек республикалар тегишли ваколат берган идораларнинг раҳбарларидан иборат бошқарув иш олиб боради.

10. Иттифоқ Давлат фонди ҳузурида корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун маслаҳат органи сифатида идораларарО кенгаш иш олиб боради. Бу кенгаш таркибига СССР вазирликлари ҳамда СССР Давлат бошқаруви бошқа идораларининг, давлат концернлари, уюшмалари ва жамоат бирлашмаларининг мухтор вакиллари, таниқли олимлар ва мутахассислар киради.

ИдораларарО кенгашнинг шахсий таркиби Иттифоқ Давлат фонди тақдимига биноан СССР Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Иттифоқ Давлат фондининг СССР Давлат Герби ва ўз номи тасвирланган муҳри бўлади.

Юрт чироғин ёқаётганлар

ҒОЙИБДАН КЕЛАЖАК БАХТ БИР АФСОНА

Йўлдош Ўзбекистон Фанлар академиясидан таклиф телеграммаси олганида кўнгли алланечук бўлиб кетди. Нахотки бу катта таниловда унинг илмий иши мукофотга лойиқ топилган бўлса...

У академиянинг йиллик умумий ҳисобот мажлисида республикамизнинг нуфузли олимлари қаторида иштирок этди. Академиянинг президенти М. Салоҳиддинов танлов ғолибларининг рўйхатини ўқиркан, физика-математика соҳасидаги 1990 йилги мукофот Қарши давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси Йўлдош Тилабович Бобожоновга берилганини эълон қилди ва унинг кўксига лауреатлик нишонини тақиб қўйди. Академиянинг вице-президенти Т. Рашидов Йўлдошни табрикларкан: «Бу юксак мукофотга сиз Қашқадарёда биринчи бўлиб эришдингиз», — деди.

Йўлдош дилидаги севинч тўлқинларини бир оз босиб олгач, залдагиларга юзланиб, «Мен бундан буён ҳам бутун куч-ғайратимни республикамиз механика фанини ривожлантиришга, ёш авлодни тарбиялашга бағишлайман... Мукофот пулини эса қаровсиз болалар уйига ўтказишингизни сўрайман», — деди. Унинг кўзлари беихтиёр ёшланди. Чунки у оилада ёлғиз ўғил бўлиб, 6 ёшида отасидан, сўнгра эса онасидан айрилиб, етимлик жафосини обдан чеккан, эл тарбиясида олим бўлганди.

Йўлдош Бобожонов 1957 йили Ғузор районининг Шерали қишлоғида чўпон оиласида туғилди. Мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент давлат университетининг амалий математика ва механика факультетига ўқишга кирди. Бир куни уйдан телеграмма олди... Зудлик билан етиб борди. Онаси — Зулхумор опа оғир аҳволда ётарди. У ўғлига юзланди-да: «Болам, мени деб ўқишингдан қолиб кетма, бугунок Тошкентга қайт. Агар домларинг рухсат беришса, сўнгра келарсан, сен ўқиб бир куни олим бўлсанг бас. Агар ўша кунларга етолмасам, ўзинг мозорим бошига келиб, менга хабар берарсан», — деди-ю, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Йўлдош онасининг бу сўзларини шунчаки тушкунликдаги гап деб ўйлаб, жўнаб кетди. Аммо икки кундан сўнг Тошкентдан қайтиб келганида, онаси бу фоний дунёдан абадий кўз юмган эди.

Университетнинг биринчи курсида ўқиб юрган вақтида шундай мусибатда қолди. Бироқ қандай қилиб бўлса ҳам она васиятини амалга оширишга онт ичди. Тунлари заводда ишлаб, якшанба кунлари мардикорчилик қилиб бўлса-да, ўқишни давом эттирди. Талабалик йилларидаёқ илмий ишга қўл уриб, Бутуниттифоқ анжуманларида фаол қатнашди, олимлар назарига тушди. 1979 йили университетни муваффақиятли тугатиб, Қарши давлат пединститутида математикадан дарс бера бошлади. Бир оз вақт ўтгач, билимгоҳнинг ўша пайтдаги илмий ишлар бўйича проректори, доцент Н. Ўлжабоева ҳузурига кириб, илмий иш қилиш нияти борлигини ва ТошДУга стажировкага юборишларини сўради. Опа унинг илтимосини қондирди ва: «Ука, қийинчилик пайтлари бўлса, асло руҳан тушманг, институт сизни ёлғизлатиб қўймайди», — деди.

У ТошДУ профессори А. Ҳамидов раҳбарлигида турли каналларда суюқликлар ҳаракати муаммоси билан шуғулланди. Шу мавзуга оид мақолалари республика ва Бутуниттифоқ илмий журналларида чоп этила бошлади. Й. Бобожонов 1986 йили назарий ва амалий механика бўйича Бутуниттифоқ съездида «Суюқликларнинг ностационар ҳаракати масалалари ечими» мавзуида маъруза билан чиқди. Иттифоқимизнинг йирик олимлари уни табриклаб, ҳамкорликда ишлашга таклиф қилишди. Тадқиқот натижалари насос станциялари ва биомеханиканинг суюқлик ҳаракати билан боғлиқ соҳаларида амалиётга қўллана бошланди.

Ҳисоблаш машиналари ёрдамида олган натижалари асосида ирригация институти олимлари насос станцияси блокининг моделини яратиб, ишлатиб кўришганда бу янги қурилмадаги ҳар бир агрегатни таъмирлашдан тежалган маблағ йилига 140 минг сўмни ташкил этиши аниқланди. Асосий каналлар бўйлаб бундай насос агрегатларидан 40-50 та ўрнатилса, нақадар катта иқтисодий самарага эришиш мумкинлиги аниқ эди. Йўлдош шу йўналишдаги илмий натижаларнинг бир қисмини жамлаб, «Каналларда суюқлик ҳаракати масалаларининг кавитациялик ва уюрмалик майдонларни ҳисобга олган ҳолдаги ечими» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг бу иши Қарши давлат педагогика институтининг илмий кенгаши томонидан ЎзФА мукофотига тавсия этилди...

Й. Бобожонов ҳозир институтнинг машинашунослик кафедрасини бошқариш билан бирга ёш ўқитувчиларга мураббийлик қилаяпти, талабаларга фан сирларини ўргатмоқда. У бундан ташқари шаҳардаги иқтидорли ўқувчиларни жамлаб «Ёш механиклар» мактабини ташкил этган, ҳафтада икки марта сабоқ бермоқда. Йўлдошдан келажакдаги режалари ҳақида сўраганимизда, «Ҳали халқимиз олдида қарзим кўп, изланиб камолга етсам, шогирдлар етиштирсам, республикамиз иқтисодиёти учун фойдали ишлар қилсам, деган ниятим бор», — деб жавоб қайтарди.

Ғиёс НУРМАТОВ,

Ҳамид Олимжон номли Қарши давлат педагогика институти индустриал-педагогика факультети деканининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

РЕМОНТ ҚИЛИНАДИГАН БЎЛДИ

Сурхондарё вилоятидаги «Пахтакор» давлат хўжалигида истиқомат қилаётган ўқувчилар неча йиллардан бери янги ўқув йилини ремонтдан чиқарилган хоналарда бошлашни орзу қилиб келишарди. Энди уларнинг шу орзуси ушаладиганга ўхшайди. Қумқўрғон районидаги «Агрокоммунремонт» корхонасининг хўжаликда ташкил этилган чоғроқ бўлими ана шу ишларни амалга оширишга киришди.

Бу йирик давлат хўжалигида бир неча мактаб бор. Уларнинг ҳаммаси анча эскириб қолган, ҳатто биттасининг томидан чакка ҳам ўтган, полни янгилайдиган вақт келди. Бироқ давлат хўжалиги қурувчиларининг турли сабабларга кўра мактабларни ремонт қилишга қўллари егмай келди.

Энди муаммо бартараф этилди. Атиги бир неча кун ичида икки бино тартибга келтирилди, ҳозир эса яна беш мактаб биноси бутунлай янгиланмоқда. Ана шу бинолар учун шифер, тахта, буёқ, бошқа бинокорлик ва пардозлаш материалларини олиб келишди.

Янги ремонт бўлими йил охиригача ярим миллион сўмликдан кўпроқ иш бажаради. Унинг ходимлари мактаб биноларини таъмирлашдан ташқари, совхоздаги яна бир неча иншоотни тартибга келтиришни, шунингдек якка тартибда уй қураётганларнинг буюртмаларини бажаришни режалаштирмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

Акс – садо

ЭЪТИҚОД УСТИВОР БЎЛСИН

Рўзноманинг 9 июль сонида эълон қилинган «Эътиқод учун жазоми?» сарлавҳали мақолони ўқиб чиқиб, чуқур ўйга толдим. ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз ноҳиясининг Қорасув қишлоғида истиқомат қилувчи Абдулла Тўраевнинг изтироб тўла сўзлари, адолатсизлик ва лоқайдлик қурбонига айланган бир заҳматкаш қалам соҳибининг аччиқ тақдири қалбимни ларзага солди.

Мен бир нарсага ҳайронман. Нега энди мансабдор шахслар халқ ҳисобидан ўқиб улғайиб, курсига эга бўлгач, кўзини ёғ босиб, оддий фуқарони менсимаслик дардига мубтало бўладилар? Ахир улар ким эдилару, ким бўлиб қолдилар? Фикримча, раҳбарнинг масъулиятини ошириш борасида баъзи мамлакатлар тажрибасини қўллаш зарурга ўхшайди. Масалан, Сингапур давлатининг ҳар бир маҳаллий муниципалитети ёнида алоҳида ўрнатилган темир қутилар мавжуд бўлиб, уларга фуқаролар мансабдор шахслар қабулидан чиққач, ўз фикр-муносабатини ёзиб ташлайди. Шунга қараб, юқори давлат маҳкамалари қуйи раҳбарларни тез-тез «жиловлаб» турадилар. Бизда эса таниш-билишчилик, қариндошчилик ва тўрачилик ҳали ҳам мавжуд, аксарият жойларда эса «гуллаб-яшнамоқда». Поклик масхара қилинаётир, эътиқод топталмоқда. Ҳалоллик ва эътиқод устун бўлмаган жойда адолат тантана қилмайди, халқ рўшнолик кўрмайди, бири икки бўлмайди.

Обиджон ҲАМИДОВ,

Андижон вилоятидаги Ленинск шаҳар, касаба уюшмаси ходими.

Ойтожихон Иброҳимова Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳининг иқтисод куллиётини битириб, берилган йўлланмага мувофиқ Комсомолобод районидаги «Ленин 100 йиллиги» қўриқ хўжалигига ишга келганига анчагина бўлиб қолди. Бир неча йилдан буён бригадага саркорлик қилаётир. Улар жорий йилда 160 гектар ер майдонидаги ғўзанинг ҳар гектаридан 25 центнердан қўриқ дурдонасини етиштиришга аҳд қилишган. Шунингдек ҳосилнинг 110 фонзи машиналарда териб олиниши режалаштирилган.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Ойтожихон Иброҳимова.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

„ХАЛҚ СЎЗИ“ (нашр номи) 64608 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64608 (нашр кўрсаткичи)

„ХАЛҚ СЎЗИ“ (нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ҚИРҒИЗИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

НАЗОРАТ ЎРНАТИЛДИ

ҚИРҒИЗИСТОН республикаси Олий Кенгаши республикада «Парнография, натуралистик эротика (шаҳватпарастлик), зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб этишга барҳам беришнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича, республикада давлат бадиий-эксперт гуруҳи ташкил этилди.

Гуруҳнинг асосий вазифаси — Қирғизистонга четдан олиб келинаётган беҳаёлик, шаҳватпарастлик, зўравонлик ҳамда шафқатсизликни ташвиқ этувчи кинофильм, видеофильмларни, матбуот нашрларининг тарқалишига қарши курашиш, республика театрларида, концерт залларида намойиш этилаётган спектакллар, концерт дастурларини ойнаижаҳон кўрсатувларини назорат қилиб бориш-дан иборат. Шунингдек, республика ички ишлар маҳкамаларида жамоат тартибини сақлаш гуруҳлари тузилди.

ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

ҚУРБОНЖОН Додхо тавалудининг 180 йиллиги муносабати билан шу йилнинг апрель ойида халқ депутатлари шаҳар кенгаши Ўш шаҳридаги Гулча кўчасини унинг номи билан аташга қарор қилган эди. Яқинда шаҳар кенгаши раёсати ушбу қарорни бекор қилди. Шаҳарнинг марказий Ленин кўчаси бундан кейин Қурбонжон Додхо номи билан аталадиган бўлди. Свердлов кўчаси эса Ленин кўчаси деб ўзгартирилди.

СИРДАРЁЛИК САНЪАТКОРЛАР — ЎШДА

ОЛИМ Хўжаев номли Сирдарё вилоят мусиқали драма театри артистлари бир неча кун мобайнида Ўш, Жалолобод вилоятларида бўлишди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» комедиясидан ташқари қатор спектакллар санъат шинавандаларига манзур бўлди.

БОСФОРЛИК ҚИРҒИЗЛАР ТАШРИФИ

ЧЕТ мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Қирғизистон жамиятининг таклифига биноан республикада меҳмон бўлиб турган туркиялик қирғизлар — тижоратчи Турсун Юзбоши ўғли, таниқли ёзувчи ва тарихчи, Туркия маданият вазирининг маслаҳатчиси Бакилер Ёвуз Булент, Истамбул дорилфунуни ўқитувчиси Муҳаммад Акбар Раҳмонқул ўғли, бутун дунё Ислом Лигасининг аъзоси, саксон ёшли Ҳамид ҳожи ота бир неча кун Ўш диёрида бўлдилар. Меҳмонлар вилоят билан танишувни Сулаймон тоғидаги Бобур уйидан бошлашди. Сўнг улар Ўзган ва Иссиқкўлга сафар қилдилар.

ГОЛЛАНДИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

ХАЛҚ депутатлари Ўш вилоят Кенгаши ва «Ўш интернэшл» қўшма корхонасининг таклифига кўра амалий ташриф билан Голландиянинг «Ресурсос» фирмаси президенти жаноб Айне Ўшга келди. Фирма тоғ жинсларини қазиб олиш, улардан деворларни безашда қўлланиладиган тош маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Голландияликлар вилоятнинг гранит, мармар, чиғаноқтош, базальтга бой районларини бориб кўрдилар. «Ресурсос» фирмаси Жанубий Қирғизистон геология экспедицияси, «Ўш интернэшл» қўшма корхонаси шериклигида Совет—Голландия қўшма корхонасини барпо этишга аҳдлашиб олишди. Вилоят Кенгаши раиси Б. Сиддиқов ва «Ресурсос» фирмаси президенти жаноб Айне ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги қайдномага имзо чекдилар.

Р. КАРИМОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна қилиш давом этмоқда. «ХАЛҚ СЎЗИ» рўзномаси учун ҳам обуна барча алоқа бўлимларида 1 августдан бошлаб қабул қилинмоқда.

Рўзноманинг бир йиллик обуна баҳоси 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Қадрдон рўзномангиз — «ХАЛҚ СЎЗИ»га обуна бўлишни унутманг!».

БАМИСОЛИ ИККИ ДАРЁ

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг юбилейига ҳам саноқли кунлар қолди. Мухбиримиз юбилей нашрлари қандай амалга оширилаётгани ҳақида Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси раиси У. А. Абдураззоқов билан мусоҳаба уюштирди.

М: — Убайдулло Аббосович, республика Президенти И. А. Каримов 1991 йилни «Навоий йили» деб, эълон қилиши ўзбек халқи учун қувончли воқеа бўлди. Навоий асарлари нашри қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлаб бersангиз.

У. А. — Ҳозиргача улуғ шоир ва мутафаккир, буюк аждодимиз Мир Алишер Навоийнинг режалаштирилган 63 китобидан 34 таси босилиб чиқди. Қолган 29 таси ишлаб чиқаришда. Навоий китоблари нашри «Навоий йили» билан ўз ниҳоясига етиб қолмайди. Биз Навоий асарларини янгидан-янги, турфа, ранго-ранг услубларда, ҳатто араб алифбоси ва ҳозирги ёзувда бақамти нашр этишни жорий этмоқдамиз. «Ёзувчи» нашриёти Навоийнинг қадимги қўлёзмаларидан хаттот Маъмура Рашидованинг настаълиқда кўчирган «Юз бир ғазали»ни чоп этмоқда. Бу китоб Навоий ихлосмандларини шод қилиш билан бирга келажак авлоднинг эски ёзувни ўрганишига ҳам дастуруламал бўлади. Негаки, ғазал матни бир саҳифада арабча ёзувда бўлса, иккинчи саҳифада ҳозирги кирилл алифбосида.

М: — Қоғоз танқислиги ҳаммага маълум. Шу боисдан Навоий асарлари нашри «бозори чаққон» китоблар касрига учрамаяптими!

У. А. — Биз беш юз минглаб нашр этилиб, қоғоз базамизни еб кетадиган «бозори чаққон» китобларга аллақачон чек қўйганмиз. Навоий асарлари нашрига эса, ҳеч қандай «бозори чаққон» китоблар ҳам, қоғоз танқислиги ҳам салбий таъсир қилолмайди. Аммо бозор иқтисодига ўтиш бор гап. Мамлакатимизда барча жамоалар бозор иқтисодига ўтиш арафасида турган бир даврда биз ҳам бу жараёндан четда қололмаймиз. Бир қўлга илинадиган китобнинг таннархи 50 сўмга етмоқда. Аҳолининг турмуш тарзи оғир аҳволда бўлган бир вазиятда қиммат китобларни ким олади?

Арзонбаҳо китоб чиқаришнинг ягона йўли — нашр ишлари давлат ҳимоясига олиниши керак. Матбуот қўмитаси бу соҳада зарур бўлган барча чора-тадбирларнинг тадоригини кўрмоқда.

М: — Навоий ҳазратларининг асарлари хорижда ҳам юбилей муносабати билан нашр этилмоқдами! Ўзбек китобхонлари Навоийнинг «импорт» китобларидан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкинми!

У. А. — Ҳа, Америка, Швейцария, Италия, Олмония ва Францияда Навоий асарлари нашр этилмоқда. Китоб палатаси орқали Навоий китобларини юртимизга келтиришнинг барча чора-тадбирларини ажнабий алоқа воситалари билан келишиб қўйганмиз.

Навоий йилида навоийхонларимиз китоб жавонлари шоирнинг анвойи асарлари билан безак топишига шаксшубҳа йўқ.

М: — Навоий асарлари нашри Иттифоқимиз миқёсида қандай бормоқда!

У. А. — Жуда яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимизда кўплаб қардош республикаларда, жумладан Москвада шоир асарлари нашр этилади. Москвада сентябрь ойида Навоийнинг 550 йиллик улкан анжумани бўлиб ўтади. Ана шунда «Топган гул келтирар...» қабилида, ҳар ким ўз улуши билан шоир тўйига қатнашади.

М: — Маълумингизки, Навоий билан бир қаторда буюк озарбайжон шоири Низомийнинг 850 йиллиқ юбилейи нишонланмоқда. Шарқ шеъриятида барча хамсанавис шоирлар, жумладан Навоийнинг ҳам устози Шайх Низомийнинг қайси асари юбилей айёмида китобхонларга тортиқ этилади!

У. А. — Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ва форс-тожик классик шеъриятининг биринчи хамсанависи, маснавий жанрининг буюк қаламвари оламга машҳур Низомий Ганжавийнинг қўшалоқ байрамини нишонлаш ва асарларини нашр этиш ноширларнинг бугунги бош вазифасидир. Форсий тилда беш бебаҳо хазина яратган, довруғи жаҳонни забт этган Низомий ўз асарларини аруз вазнида ёзган. Шунга кўра биз шоирнинг аруз вазнидаги (1983 йил «Адиб» нашриётида чоп этилган) «Хусрав ва Ширин» достони таржимасини Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётимиз нашр режасига киритганмиз. Юбилей арафасида нашр этилажак бу асар Низомийнинггина эмас, балки севги афсоналарининг рамзий тимсоли сифатида «Жаҳон адабиёти дурдоналари»дан ҳисобланади.

Мазкур китоб «Низомий 850 йиллиги муносабати билан» — деб нашр этилади.

М: — Икки оғиз Навоий ва Низомийга оид изҳори дил қилсангиз...

У. А. — Навоий ва Низомий ҳақида шоир ва олимлардан ўтиб бир нарса дейиш қийин. Улар бамисоли икки дарё, халқимиз учун иккиси ҳам керак. Эту тирноқдек бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Навоийнинг:

«Эмас осон бу майдон ичра турмоқ
Низомий панжасига панжа урмоқ»

деган байти Низомийга берилган юксак баҳодир.

М: — Суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош:
Олимжон БУРИЕВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

СИРДАРЁ ХАБАРЛАРИ

«САХОВАТ»НИНГ САХОВАТИ

ГУЛИСТОН шаҳар ижроия қўмитаси қошида ташкил этилган «Саховат» кичик корхонаси вилоят аҳолисига хизмат кўрсатаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Аммо қисқа фурсатда қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Яқинда қурувчилар Ховос районидаги Мичурин номли давлат хўжалигининг Чамбил, Қўқон қишлоқларига 5 чақиримдан зиёд масофага сув қувурлари ётқизишди. Аҳоли қурувчилар хизматидан мамнун.

«ШИДДАТЛИ ТЎП» МУСОБАҚАСИГА ЙЎЛЛАНМА

СИРДАРЁ шаҳар касаба уюшмалари қўмитаси қошидаги физкультура ва спорт жамиятининг қўл тўпи қизлар командаси саралаш мусобақаларида иштирок этиб, республика мактаб ўқувчилари спартакиадасига йўлланма олган эдилар. Чарм тўп усталари яқинда ўтказилган мусобақаларда ҳам яхши ўйин кўрсатишди. Уларга учинчи ўрин насиб этди. Қизлар «Шиддатли тўп» Бутуниттифоқ турнирида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

АВТОҲАВАСКОРЛАР МАМНУН

АВТОМОБИЛЬ, мотоцикл, велосипедларнинг эҳтиёт қисмларини топиш амри маҳол эди. Лекин кўпчилик—кўпчилик-да. Бировда йўғи, бошқасида бўлиши мумкин. Шу мақсадда Гулистондаги «Наврўз» бозори дирекцияси хайрли ишга қўл урди. Шаҳарнинг маҳалла қисмидаги бозор майдонида ҳафтанинг шанба кунлари автомашина, мототехника ва уларнинг эҳтиёт қисмлари сотиладиган бўлди.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика қўмитаси шу қўмита аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутати ўртоқ Л. Т. Тожихонова онаси **Ойниса МАДАЛИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Олий таълимда қайта қуриш

ШАРҚ ТАБОБАТИ — ТОМИРИМИЗ

БУХОРОДА — улуғ аллома ҳаким ибн Сино ватанида тиббиёт институтининг очилиши, ниҳоят, ижтимоий адолатнинг тантана қилганлиги, аввало, аслликка, «ўзликка», ҳакимликнинг ғнесеологик асосларига қайтишдек олижаноб ғоя-ниятнинг рўёбга чиқишидир.

Бухорода бу ўқув масканини очиш учун барча зарур моддий асос мавжуд эди. Ўқув бинолари, 300—400 ўринли ётоқхоналар, профессор ўқитувчилар учун уй-жойлар (90 та квартира берилди)... Шаҳарда 4225 беморга мўлжалланган ўринларнинг мавжудлиги, бир сменада 4,9 минг беморни қабул қиладиган амбулатория ва поликлиникалар, 14 та ихтисослаштирилган касалхонаю диспансерларнинг борлиги ўқув-ўқитиш ишларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш имконини беради.

Дастлабки кунларданоқ асосий эътибор ҳакимлар шаҳарчасини қуришга қаратилди. Бунинг учун миҳаллий ҳокимият 25 гектар ер ажратди. Вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари: касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар, туғруқхона, буйрак, ошқозон-ичак касалликлари, юрак системасини даволовчи Иттифоқ миқёсидаги кенг профилли «Ситораи Моҳи хоса» санаторийси ҳам ўша атрофда жойлашган. Уларнинг ҳаммаси институтнинг клиник базалари бўлади.

Институт тиббиёт олий ўқув юртлари орасида халқ табобатига, шарқ медицинаанъаналарига таянган ҳолда фаолият кўрсатувчи дастлабки даргоҳлардан бўлади ва худди шу ўзига хослик унинг ҳам мақомини, ҳам фаолиятини белгилайди. Корея, Хитой, Ҳиндистон ва яна қатор мамлакатларнинг қадимий миллий табобатлари тажрибалари ва бой анъаналарига қизиқиш катта. Ушбу ўлкалар билан биздаги қадимий халқ табобатининг илдизлари бир-бирига жуда ўхшаш. Ҳамкорлик икки томонлама кони фойда: биз уларнинг, улар эса бизнинг халқ табобатимиз тажрибаларини ўрганишади.

Маълумки, ибн Синонинг ўзбек ва рус тилларида чоп этилган 5 жилдлик «Тиб қонунлари» мукаммал нашр эмас. Бахтимизга халқ орасида ҳамон сақланиб келаётган усуллар, манбаларга асосланиб кўхна халқ табобатини ривожлантиришимиз керак. Бу фақат ва фақат турфа шифобахш ўсимликлар билан даволаш табобати бўлиб, у инсон танаси, жисмининг яширин имкониятлари ва табиий, туғма қувватларига суянади.

Биз — табиат фарзандимиз. Шифо ҳам табиатда. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқий замонавий тиббиётнинг бош шиори бўлиши лозим. Биздан, одамлардан эса фақат бир нарса — ўз танамизга, жисму руҳимизга оқилона, ҳакимона муносабатда бўлиш талаб қилинади. Кимёвий дорилар мураккаб таркиби билан ўз ҳолича яхши. Лекин ҳозиргидек, улардан суиистеъмолларча, кўр-кўрона фойдаланиш ҳамиша ҳам кутилган самарани беравермаслигини ниҳоят тушуниб етишимиз керак. Турфа хасталиклар хуружи ҳаддан зиёд ошиб кетаётган даврда тиббиёт яна аслига, жумладан ибн Синодек буюк ҳакимларнинг даволаш усулига қайтиши лозим

Ўлкамиз набобот дунёси турли доривор ўсимликлар, шифобахш гиёҳларга сероб. Маҳаллий иқлим билан боғлиқ ҳар хил касалликларни даволовчи шифобахш сув манбалари эса қадим-қадимдан машҳур («Чашмаи Аюб», «Ситораи Моҳи хоса» каби). Айримларининг ҳатто лойигача даво. Ана шу маълум ва номаълум манбаларни топиш, таркибини ўрганишдек мураккаб тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

Маҳаллий ҳокимият бомбейдаги фирмалардан бири билан Бухорода маҳаллий набобот дунёси хом ашёларига (ўрик, шотут, тут, янтоқ, анжир, исириқ, ялпиз ва ҳ. к) ихтисослаштирилган ҳамкорликдаги фармацевтика заводи қурилиши бўйича Ҳиндистон маъмурияти билан шартнома тузди. Қурилиши шу йилнинг ўрталарида бошланадиган ҳамкорлик корхонаси Совет Иттифоқи ҳозир Ҳиндистондан валютага харид қилаётган 32 хил дори-дармонни ишлаб чиқаради. Истиқболда яна қўшимча 40 хил дори-дармон тайёрланади. Натижада ўзимизда ҳам валюта ишлаш имкони бўлади. Институтнинг фармакология кафедраси ўз лабораториялария бўғинлари билан бу хайрли ишда, албатта, бошқош бўлиши турган гап.

Институт халқ табобати, Шарқ табобатининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидаги (ва нафақат мазкур ўлкалар) ўзига хос ҳам илмий, ҳам амалий марказ бўлиб қолиши керак. Истиқболда халқ табобати уюшмаси ва унинг марказларини ташкил этиш, республикада ва Иттифоқда, хорижий Шарқ мамлакатларида мавжуд турдош уюшмалар, хусусий ассоциациялар, илмий марказлар, Шарқ табобатининг етук мутахассислари, машҳур халқ табиблари, экстрасенслар, ноёб истеъдод соҳиблари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик шартномалари тузишдек олижаноб хайрли ишлар амалга оширилади. Тиббиёт институтлари орасида биринчи бўлиб «Соғлиқни сақлашни ташкил этиш» кафедраси ҳузурида махсус «Халқ табобати» курси (бутун бир туркум) уюштирилади. Маҳаллий ҳокимият ижозати билан ишлаб чиқариш чиқиндиларини алмаштириш — бартерлик ҳисобига Корея, Ҳиндистон, Ғарб мамлакатларимоқда. Афсуски, институтимиз нашриётлар режаларига ҳалигача киритилгани йўқ. Ўқув қўлланмаларини ололмаяпмиз. Халқ табобати бўйича эса наинки ўқув ёхуд муолажа қўлланмалари, балки оддий дастуру методик кўрсатмалар ҳам йўқ. Ҳаммасини ўзимиз мустақил тайёрлашга тўғри келаяпти. Институт келажакда хўжалик юритишнинг янги шаклларига, жумладан, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши керак. Бу борадаги режаларимиз умидли. Бунинг учун аввало, дунё тили бўлмиш инглиз тилини мукаммал эгаллаш (1—2 курсларда тил грамматикаси ўқитилади. III—У курслардаги факультативларда эса тил чуқур ўрганилади), кейин эса юксак даражадаги ахборот алмашинуви, яъни компьютерлашни йўлга қўйиш лозим. Американинг Ай — би —ЭМ фирмаси билан бу борада музокаралар олиб бораяпмиз.

Ўқув бинолари, лабораториялар, илмий-тадқиқот марказлари, аудиториялар илғор фан-техника ютуқлари асосида жиҳозланади. Биз ҳозир Исроилдаги фирмалардан бири билан музокаралар олиб бораяпмиз. У қатор муқобил программалар тайёрлайди. Ўзимизга мосини танлаб олиш имкони бўлади, деб ўйлаймиз. Замонавий тиббиёт жаҳон медицинаси тажрибасисиз, табобатнинг бой анъаналарисиз ҳеч ва пуч. Биз мавжуд тажрибаю анъаналарни чуқур ўрганиб, уларни ўзлаштириш мақсадида қатор ривожланган капиталистик мамлакатларда, хусусан институт мақоми билан боғлиқ шарқ давлатларида бўлмоқчимиз.

Институтда тузилажак бошқарувнинг автоматик системаси (АСУ) режамизга кўра вилоятдаги барча соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини қамраб олиши керак. Ҳар битта кафедра, турдош институтлар, илмий марказлар билан бемалол ахборот алмашиш имконига эга бўлиш тарафдоримиз.

Шу ўринда маҳаллий ҳокимиятнинг бир олижаноб ташаббусини миннатдорчилик билан қайд этмоқчиман. Институтимиз халқ депутатлари Свердлов район совети билан 1990 йил 13 декабрда шартнома тузди. Шартномага асосан ўқув масканимиз шу йили Жондор посёлкасида тиббий-биологик йўналиш бўйича лицей типидаги ихтисослашган мактаб ташкил этиб, уни оталиққа олади. Профессор — ўқитувчиларимиз ҳафтада бир кун мактабда бепул сабоқ беришади, методик йўл-йўриқлар тайёрлашади. Ахборот маркази эса тиббий-биологик фанларни ўзлаштиришнинг тадбирларини ишлаб чиқади. Район касалхонаси ҳузурида «Саломатлик» ахборот марказини ташкил этишга ёрдамлашади. Ўз навбатида халқ депутатлари район совети ҳам институтни оталиққа олди, унинг ҳисобига 300 минг сўм пул ўтказди. Вилоятнинг бошқа районлари, шунингдек Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги айрим туманлар билан ҳам шартномалар тузиш ниятимиз бор. Шу йўл билан йиғилажак 5 миллион сўм маблағ қурилиш ва жиҳозлаш ишларига сарфланади. Истиқболда валюта ишлаш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Истанбул дорилфунуни ректори, машҳур кардиолог профессор Меҳмед Жемъи Демир ўғли жаноблари ТошДУ меҳмони бўлганида ўз дорилфунуни қошидаги тиббиёт тарихи институти билан республикамиз тиббиёт институтлари ўртасида кенг алоқалар ўрнатиш таклифини айтди («Халқ сўзи», 1991 йил 15 январь), Юртдошимиз Саудия мармар ширкатининг соҳиби Абдуғаффор Нурали ал Бухорий араб мамлакатлари, хусусан, Миср дорилфунунларида 40 нафар ўзбекларни тиббиёт, иқтисодиёт, ислом меъморчилиги ва бошқа мутахассисликлар бўйича ўз нафақасига ўқитмоқчи эканлигини айтди («Халқ сўзи», 1991 йил 17 январь). Бу таклифлар дунёнинг бўлак минтақаларида яшаётган ватандошларимиз томонидан ҳам ботбот тушиб турибди. Таклифлар кўп, афсуски, «лаббай» деган жавоб йўқ. Сабаблар кўп, албатта. Лекин улар орасида тил, забон билмасликдек тўғон айниқса ишнинг белига тепади. Институтимизда тилларни жумладан, инглиз тилини мукаммал ўрганиш қатъияти мазкур муаммо билан ҳам бевосита боғлиқ.

Хулас, режаларимиз бисёр, ниятимиз — олижаноб, эзгу. Халққа хизмат қилиш. Соғлом одамларгина жамиятни инқилобий янгилаб, яшартира оладилар. Фаолиятимиз мазмунининг бош қиқмати — фалсафаси ҳам ана шу ҳақиқатда!

Акрам МЎМИНОВ,
Бухоро Давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ҲАР ҚАНДАЙ ШАРТЛАРДА, ҲАР ҚАНДАЙ ҲАЖМ ВА МИҚДОРДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ МОЛЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА «ТОШКЕНТ» КЎП ТАРМОҚЛИ МОЛ-ФОНД БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

биржа фаолиятида иштирок этиш ниятидаги барчани

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

«Тошкент» биржаси — берк йўналишдаги акционерлик жамиятидир.

Биржа муассислари — Ўзбекистоннинг ва кўп жиҳатдан Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий қиёфасини белгилаб берувчи йирик ташкилотлар ва бирлашмалардир.

Биржанинг устав жамғармаси — 60 миллион сўм.

Битта акциянинг ҳақиқий баҳоси — 200, 100, 50 ва 25 минг сўм.

Оддий, имтиёзли ва номи ёзилган акцияларга, шунингдек, тақдим этувчига мўлжалланган акцияларга обуна бошланди.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

— биржа фаолиятининг барча турларини амалга оширади;

— металл ва металл буюмлар, ёғоч ва ёғочсозлик материаллари, технологик ускуналар, электр ускуналар, кимёвий материаллар ва нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини **сотиш, сотиб олиш** ва **бартер йўли билан айирбошлаш** учун талабномалар қабул қилади;

— 1991 йилнинг июлидан бошлаб биржа кўчмас (ҳаракатсиз) мол-мулкларни сотишга доир муомалаларни амалга оширади;

— август ойидан қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ муомалаларни бажаришга киришади.

САВДО-СОТИҚ — ҳар пайшанба соат 11.00 дан бошланади.

Биржа хизматлари учун битимлардан олинадиган ажратмалар 0,5 фоизгача камайтирилган.

Август ойидан эътиборан биржа ҳафтасига 2 **МАРТА:** сешанба ва пайшанба кунлари ишлайди.

«Тошкент» биржаси қошида банк бўлимининг очилганлиги 1991 йилнинг августидан бошлаб битимларни маблағ билан таъминлаш ва уларни суғурта қилдириш имкониятини яратади.

Шунингдек, «Тошкент» биржаси ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатади, брокерларни тайёрлайди.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

иқтисодиётнинг барча жабҳаларидаги корхоналар ва ишбилармон кишиларни ўзаро манфаатли **ҳамкорликка таклиф этади**

Ишончингиз комил бўлсинки, бизга келиб тушаётган таклиф ва талабномаларингиз эътиборсиз қолмайди ва диққат билан кўриб чиқилади.

Мулоқот телефонлари: (8-371-2 код), 45-77-43, 45-79-49, 45-83-87, 45-71-41.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ — БУ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎРТА ОСИЁНИНГ МИСЛСИЗ БОЙЛИКЛАРИ САРИ ЭЛТУВЧИ ЙЎЛДИР!

БУГУНГИ КУНДА — БУ СИЗ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ, ЭРТАГА ЭСА — СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗДИР!

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САБДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Й. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ҒУЛОМОВА, С. С. ҒУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, А. И. КОВАЛЕЦ (масъул котиб), Л. П. ҚАЮМОВ, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РЎЗИМАТОВ, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕДИН, Ш. ТЕМУРОВ, Т. ҲОБИЛОВ (Тоҳир МАЛИК).

МУАССИС: *Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши*
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй*
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 5837.
118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 01.50. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12